

СМТИда Бундестагнинг “Германия – Марказий Осиё” парламент гуруҳи делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.



Жорий йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида (СМТИ) Бундестагнинг “Германия – Марказий Осиё” парламент гуруҳи ҳамда ХДИ/ХСИ фракцияси аъзоси Манфред Грунд бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Томонлар Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигини ривожлантириш, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича ёндашувларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ва шериклик муносабатлари жадал ривожланаётгани таъкидланди. Бу ўз навбатида олий ва юқори даражадаги сиёсий алоқаларни фаоллашиши билан боғлиқ.



Тошкентнинг минтақавий сиёсатига алоҳида то‘хталиб о‘тилди. “Президент Шавкат Мирзиёевнинг келиши бу сиёсатни тубдан о‘згартирди. Ўзбекистон ва қўшни республикалар ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашгани туфайли минтақада мисли кўрилмаган даражада ҳамкорлик ривожланмоқда. Бу, ўз навбатида, “Марказий Осиё+Германия” форматидаги шерикликни мустаҳкамлашга туртки бўлди”, — дея таъкидлади Манфред Грунд.

Германия Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий, энергетика, экология ва бошқа соҳаларда минтақалараро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши меҳмонлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Парламент а'золари О'збекистоннинг Афг'онистон билан муносабатларни ё'лга қо'йиш борасидаги ёндашувлари ҳақида гапирар экан, Тошкентнинг ушбу мамлакатни минтақавий иқтисодий алоқаларга жалб этиш ва Афг'он ёшлари учун та'лим лойиҳаларини илгари суриш истагини алоҳида та'кидладилар.

Учрашув якунида немис томони Ўзбекистон билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш соҳасида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиш билдирди.